

ТАНГ ЙОЛДОЗИ

ТОНГ


№30

(6502).
1992 йил
24 июнь
чоршанба
баҳоси:
30-ийн.

ЎЗБЕКИСТОН
БОЛАЛАРИ ВА
ЎСМИРЛАРИНИНГ
ГАЗЕТАСИ.

Газета 1929 йил, августдан «Ленин учқуни»
номи билан чиқа бошлаган.

ЙОЛДОЗИ



ҚАНДАЙ МАЗАДИР ТАЪТИЛ



ТАЪТИЛ... У ўқувчиларга олам-олам завқ ва шавқ бағишлайди. Кенг дала ва қирлар, тоғ ен бағирларига жойлашган сўлим оромгоҳларда маза қилиб дам олишнинг, турли спорт мусобақалари, ўйин ва саяхатлар уюштиришнинг ўзига хос гаши бор, албатта. Лекин кўпчилик ўқувчилар таътил кунларида далаларга чиқиб, оналарига яқиндан кўмаклашмоқдалар.

Тошкент вилояти, Қибрай туманидаги 39-мактаб болалари ҳам таътил кунларида мактаб томорқасида меҳнат қилишади. «Маданият» номли жамоа хўжалиги улар учун 1 гектар ер ажратган бўлиб, ҳар йили турли сабзавотлар экишади.

Олинган даромаддан эса мактабнинг таъмирлаш ишларига, ўқув қуролларини сотиб олишга, жиҳозларга сарф қилинади.

Мактабнинг «Шодлик» номли соғломлаштириш майдони ҳам болалар билан гавжум бўлади. Бу ерда улар турли спорт мусобақаларини уюштирадilar...


Эҳ, маза қилиб дам олишга нима етсин...

Сурачларда: — Етиштирган лавлагимизни қаранг, — дейишмоқда мактабнинг 7-синф қизлари Назолат Исроилова, Гўзал Гойипова, Саида Даккибоева.

Шахмат — ақлни чарқлайди.

Футбол — бу мардлар ўйини.

Р. АЛБЕКОВ сурачлари.



ҚИСҚА САТРЛАРДА

Эҳтиёт шарт

Оққўрғонлик 12 ёшли бола уйга йиғлаб кирди: «Ойи, мени ит қопди» — деб. Девор-дармиён уч қўшни ҳам чиқди, итнинг ранги, тури, юриш-туришини сўрашгач, «ох» тортди, «Бизларнинг бузоқларни ҳам шу ит қопганди» дейишди. Вилоят санэпидстанцияси ходимлари тумандаги итлар устидан текширув бошлашди. Маълум бўлишича, туманда 22 та ит қутирган экан. Чора кўрилди. «Бироқ, — дейишмоқда улар, — янаям эҳтиёт шарт».

Замона зайли билан

Новосибирск. Бу вилоятга қарашли ҳар бир туманда ўқувчиларнинг кичик-кичик биржалари очилган. Уларнинг ўз қонун ва қоидалари бор. Масалан, уларнинг тенгдошлари битириш имтиҳонини «намунали» топшириш учун биржага мурожаат қилишлари мумкин — иншо (эллик сўм) алжабр (юз сўм) хорижий тиллар (эллик сўм). Эътиборни тортадиган яна бир томони — улар кундалик буюмлардан тортди, то эҳтиёт молларгача ижарага беришлари мумкин. Лекин ҳар бир сонияси пул ҳисобиди. Бунга замона зайли билан, деб ҳисоблашмоқда улар.



Ташвишли мактуб

«Аттанг» деб қолишмасин

Қадрли мухбир акалар, илтимос, бизнинг Чироқчи туманидаги З. М. Бобур, М. Ломоносов ҳамда В. Терешкова номли мактаблар ўқувчиларининг аҳолидан бир хабар олиб кетинг. Бу йилги баҳор фасли уларга кўпгина қийинчиликлар тугдирди, ахир, хўжаликнинг қоқ марказидан оқиб ўтувчи «Қумдарё» анҳори ёғингарчилик туфайли тошиб кетди. Натижада ўқувчилар дарсларга лой ва сув кечиб қатнашди.

Агарда хўжалик раҳбарлари, Чукуллоқ қишлоқ кенгазининг масъул ходимлари бу тўғрида жиддийроқ мулоҳаза қилиб кўришса, яхши бўларди. Балки, дарёга кўприк қуриш керакдир, балки сув ўтказувчи қувур ташлаш лозимдир. Яна ёз ўтиб, қиш келганда «аттанг» деб қолишмасин.

Б. БОБОРАҲМАТОВ.

Қашқадарё вилояти, Чироқчи туманидаги Охунбобоев давлат хўжалиги.

Газетамизнинг 1992 йил 20 апрель сонидagi «Бугун ким туғилган?» мақоласида Сиз муштариёлардан Владимир Ильич Ленин ҳақидаги фикрларингиз сўралганди. Шундан кейин муҳарририятимизга юздан ортиқ мактублар келди. Албатта уларда турлича қарашлар билдирилган:

Ленин эзгулик тимсоли эди. Унинг ишлари ҳақида бўлмагур гапларни эшитиб, мени тоқ ургандай бўлди. Наҳотки...

Мўтабар АБДУРАҲМОНОВА, ўқувчи.

Наманган вилояти.

Мозорқўна қишлоғи.

Ленин бўлмаганда Улуғ Октябрь инқилоби бўлармиди? Биз бойлар зулмидан қутулиб, шу кунларга етармидик?..

Саида АБДУЛЛАЕВА,

Поп туманидаги 16-мактаб ўқувчиси.

Доҳиймиз В. И. Лениндан воз кечдик, энди кимга эргашамиз?..

Ўғилхон АБДУЛЛАЕВА,

Тўрақўрғон туманидаги 12-мактаб ўқувчиси.

... Лениннинг ғийбати билан машғуллар унинг ўндан бир ишини қила олармиканлар?!

Баҳриддин МУЛЛАЖОНОВ.

Охунбобоев туманидаги Лайсон участкаси, 2-уй.

Ленин ташаббуси билан дин давлатдан ажратилди. Бироқ бу ҳар миллат ўз урф-одати, эътиқодидан кечсин дегани эмасди-ку! Лекин кейинчалик худди шундай бўлди. Диндорлар таъқиб олинди, динлар қатагон қилинди.

Ҳалима УСМОНОВА, ўқитувчи.

Бўка туманидаги К. Маркс номли хўжалик.

Лениннинг гуноҳи оғир ва кечирилмасдир.

ҲАЛИМОВЛАР оиласи.

Бухоро шаҳри.

Давоми 2-бетда.



Бошланиши
1-бетда.

Ю ҚОРИДАГИ бир-бирига зид фикрлар кишини ўйлантиради. Ҳақиқатан ҳам Ленин ким бўлган? Бир сўз билан жавоб бериш жуда қийин бу саволга. Унинг шахси, ҳаёти ва фаолияти, сўзи ва қилган ишлари оддий бир инсонни баҳолашдаги қолипга сиғмайди. Шу боис ҳам биз фақат маълумотлар асосидагина фикр юритмоқчимиз. Бу маълумотлар эса Ленинга замондош, уни яқиндан билганларнинг фикр ва мулоҳазаларидир.

Ленин буюк, мураккаб шахс эди. Унинг ўткир зехни, такрорсиз қобилияти, мингдан бир кишига ҳам насиб қилмаган. Шу ақл-идроки туфайли у жуда тез юқори даражадаги билимга эга бўлди, гимназияни олтин медаль билан тугаллади. Қозон, Санкт-Петербург дорилфунунларида ижтимоий-сиёсий қарашлари, ўткир фаҳми билан доврў таратди. 21 ешида адвокатлик даражасига етди. Ленинга ҳеч ким бу ешида унчалик омадга эришмаган эди.

У бир ишни ниҳоясига етказишда собитқадам бўлган. Ҳатто буни рақиблари ҳам тан олиб, унинг иродасини пўлат пружинасини қанча қиссангиз, шунчалик юқорига ўрлашига ўхшатишади. Бу ирода Ленинга ҳаддан ишонишни шакллантиради. У ўта изланувчан ҳам эди. Иши тўғри еки нотўғрилигидан, ҳаётга мос ёки тўғри келмаслигидан қатъий назар ишини амалга ошириш пайида бўларди. Унинг таваккалчилиги ҳам бир қанча ҳолларда партияни хавф ва ҳалокатлардан асраб қолади. Бу эса унга мислсиз шон-шухрат келтириб, большевикларнинг йўлбошчисига айланади.

К. Маркснинг бир иккори бор: "Ҳар бир инсонга хос қусурлардан мен ҳам ҳоли эмасман", — дейди у. Буни Ленин ҳаётига ҳам татбиқ этиш мумкин. Лениннинг зехни ўткир бўлгани билан кенг кўламда эмасди. У кўпинча ишга ижодий ёндошиш ўрнига қолипдагисига ёпишиб оларди. Унинг шахсидаги қусур биров билан мунозарага киришганда бўртиб кўзга ташланади. У баҳсда дағал бўлиб кетар, жирракилик билан бетга чопар, сурбетларча ўз фикрини ўтказишга ҳаракат қиларди, деб ёзади эсерлар фирқасининг раҳбари, ўша пайтда кўзга кўринган сиёсатдонлардан бири Виктор Чернов. Унинг ёзишича, Ленин ҳеч вақт биров билан рақиб бўлолмас, бундай бўлишини истамас ҳам экан. Виждон борасида ҳам унинг тушунчаси кенгрок, бошқачарок бўлган. Яъни бошқалар назарида виждонсизлик бўлган иш унинг учун меъёридаги табиий бир нарсаси ҳисоблаган. У ўта совуққон,

сентиментал бўлишни ҳечам жини ёқтирмади. У бутун умрини ишчилар озодлиги учун бағишлаганини ҳам биламиз. Лекин шуниси қизиқки, улар сафидаги биров бир реал инсонга бўлган ҳурмат-эътибори бировнинг назарига тушмаган.

Ульянов кекчи бўлган. Масалан, унинг акаси Александр подшоҳга суиқасдда айбланб, осиб ўлдирилган. Аммо террорчининг айби учун унинг оила аъзолари жазоланмади. Владимир эса ўша йили дорилфунунга ўқишга қабул қилинади. Бироқ большевиклар галаба қилиб, у ҳокимият тепасига келгач, Россиянинг сўнгги подшоҳи Александр II нинг бутун оиласини, ҳатто уч ойлик боласигача қатл эттиради.

Ленин Маркснинг синфий кураш ғоясини бевосита амалга оширувчи бўлиб майдонга чиқди. Россия ва унинг қўл остидаги унга қарам юртларда йўқсиллар зўравонлигини ўрнатди. Уларга жаннатда яшашни ваъда қилди. Афсуски, Ленин асос солган бу тузумнинг жаннатидан кўра, фожиялари мўлроқ бўлди. Ишчи ва деҳқонлар озодлик эркини қўлга киритишлари ўрнига баттар эрксизлик кишинида қийналдилар. Сунъий синфларга бўлиш фуқаролараро уруш оловини ёқди. Бу энг аввало, ўз ақли, фаҳми-фаросати бўлганларга қирон келтирди. Чунки бу тузумнинг келтиражак кулфатларини ҳаммадан олдин ўшалар кўра олишган, шунга яраша қаршилиқ кўрсатишган эди-да. Уларни йўқ қилишни Ленин ўз кўрсатмалари билан бошлаб берди. Издошлари эса давом эттиришди.

Бир мисол. А. Авторхонов "Ленин Россия тақдирида" мақоласида ёзади:

"1921 йил 11 июнда ВЦИК номидан барча маҳаллий ташкилотларга қуйидаги буйруқ юборилади:

1. Ўз исмини айтишдан бош тортган фуқаро ҳеч қандай судсиз шу жойнинг ўзида отиб ташлансин.

2. Қурол яширган қишлоқ одамларини гаровга олиш ҳақида ҳукм эълон қилинсин, қуролни беришдан бош тортганлар отиб ташлансин.

3. Бузгунчини ўз уйида яширган оила аъзолари қамокқа олинсин ва губернадан бадарга қилинсин, бу оиланинг бошлиғи шу жойнинг ўзида отиб ташлансин.

4. Бандитнинг оила аъзолари қочиб кетган бўлса, мол-мулки совет ҳукуматида садоқатли деҳқонларга бўлиб берилсин, уйи ёндириб юборилсин".

Бунақа "одил" буйруқлар билан сонсиз оилаларнинг ёстиғи қуриди. Ўз уйдан бадарга қилинди. Очлик, мухтожликка маҳкум этилди. Жон сақлаш умидида чет элларга кетганлар бир умр ватангадо бўлиб қолдилар.

Маркснинг "Дин халқ учун афюндир" деган нақлига амал қилиш ҳам юқоридагидан кам фожиа келтирмади. Дин давлатдангина ажратилмади, халқдан йироқ тутилди. Дин ўрнини коммунистик ғоялар эгаллаши учун ҳеч нарсдан қайтилмади. Тўғри, кимдир айтиши мумкин: Ленин ҳар бир кишининг динга эътиқодини ихтиёрий деганку, деб. Аммо бунга умуман амал қилинмади.

Ленин ҳокимиятга келгач, биринчи декрети ерни халққа бериш ҳақидаги улўғ кўрсатма, деб айтади. Аслида эса, Ер тўғрисидаги Декрет Ленин

ҳокимият бошига келмасидан олдин, февраль инқилоби бўлгач, икки ҳокимиятчилик даврида Керенский ташаббуси билан тайёрлаган эди. Фақат Октябрь тўнтарилиши юз бериб, у Ленин имзоси билан эълон қилинади. Ер Ленин бошлиқ янги хўжайинлар қўлига ўтди.

Биз Ленин миллий масала тўғрисида сўзлаб, ҳар бир халқ ўз тақдирини ўзи белгилаши мумкин, деганини биламиз. Тарихий маълумотлар билан танишгач эса бу сўзлар оммани чалғитиш, чеккадагиларга ўз сиёсатини кўз-кўз қилиш учун айтилгандек таассурот қолдиради кишида. Масалан, большевиклар даврида Финляндия ва Польша Россия асоратидан қон кечиб, қурбонлар берибгина қутулди. Туркистон, Кавказ халқлари эса бу даврда баттар асоратга йўлиқдилар.

Бухоронинг сўнгги амири Саид Олимхон ўзининг "Бухоро халқининг ҳасратли тарихи" хотира китобида Керенский бошлиқ ҳокимият Бухорони мустақил бир давлат сифатида тан олгани ҳолида большевиклар уни қайтадан ишғол қилдилар, деб ёзади.

Бухоронинг большевиклар томонидан олиншини ўрганган Н. Наимов ва А. Эгамназаров бунда Лениннинг ҳиссаси ҳақида характерли бир маълумотни келтиришади:

"Шу боисдан ҳам дастлабки кунларда шаҳар (Бухоро) қалъасига кетма-кет ҳужумлар беҳуда бўлди, ҳар гал талай кучларни йўқотиб ортага чекиндилар. Уларнинг айримларига амир қалъасини ишғол қилиш амалга ошириб бўлмайдиган ишдек туюла бошлади. Фақат В. И. Ленин кўрсатмаси билан Польша фронтдан шошилинч юборилган авиация етиб келгач, вазият ўзгарди..."

Бу авиация тўрт кун тинимсиз бомбардимон қилиб, шаҳарни вайрона ҳолига келтирди. Минг йиллардан буён шарқнинг фахри бўлган тарихий обидаларга жиддий путур етказди. Қанча-қанча кишининг умрига зомин бўлди. Ленин озодлик курашчиси, омма ўртасида тенгсизликни йўқ қилиш, айниқса, халқнинг кўпчилик қисми бўлган қуйи табақа вакиллариининг ҳимоячиси сифатида майдонга чиқди. Бироқ унинг муваффақиятлари натижаси навбатдаги зўравон, ҳуқуқсиз бир давлатнинг пайдо бўлишига, меҳнаткашларнинг бошқача бир кўринишда эзлишига олиб келди.

Айниқса, бу тузум рус бўлмаган халқлар учун янада қимматга тушди. Уларнинг эрки, тили, урф-эътиқодлари икки баравар ортиқ камситилиб, хўрланди.

ЛЕНИНГА айбсиз пайғамбардек сизиниш, кўкларга кўтариш эса 74 йил давомида бошларга не кулфатларни солмади. Аввало, инсоннинг инсонга сизиниши куллик белгиси бўлиб, сажда фақат Аллоҳга лозимдир. Ленинга эса бир инсон сифатида қараб, фақат қобилият ва ақлда тенгсизлигини тан олмоқ керак. Бироқ бу ақл ва фаолият бизнинг халққа нима берганини ҳам унутмайлик. Ленинни фариштага айлантириб, бу ном соясида манфур ишлар амалга оширилгани учун эса у эмас, балки ўша нусхалар кўпроқ айбдордирлар.

Вафо ФАЙЗУЛЛО.

Одатда, таътил кунлари болажонларнинг шўх-шодон қийқириклари билан тўлиб кетадиган, улар билан янада файзли бўладиган болалар хиёбонлари, оромгоҳлари негъдир бугун хувиллаб қолгандек. Гўё улар кўчада, далада, бозорда пул ишляшяпти. Тўғри, фарзандларимиз орасида таътилни оромгоҳларда ўтказяётганлар ҳам оз эмасдир. Лекин уларнинг кўпчилиги ҳозир уйларида. Биз эса кичик "иш-билармон"лар билан суҳбатлашиш мақсадида шахримиз кўчаларини кезамиз. Уларга бериладиган анъанавий "таътилда қандай дам олаяпсиз?" деган саволимизни бироз ўзгартирдик ҳам. Яъни:

**КЎНГИЛЛИ ДАМ
ОЛИШ УЧУН
ҚАНЧА ПУЛ
КЕРАК?**

**ОТА-ОНАНГИЗ СИЗ
СЎРАГАН МИҚДОРДА
ПУЛ БЕРИШАДИМИ?
БЕРИШМАСА, УНДА
НИМА ҚИЛАСИЗ?**



Носир АЗИЗОВ, 12 ёш:

— Ҳозирги пайтда уйдагилар берган 5-10 сўм пул билан кўчага чиқиб бўлмайди. Шунинг учун кафега ишга жойлашиб олдим. Картошка, сабзи, пиёз тозалайман. Бунинг ҳеч қийинчилиги ери йўқ. Ҳар куни 30 сўмдан пул ишлайман. Пулларимдан ортганини эса ота-онамга бераман.




Содиқ ХОЛИҚОВ, 12 ёш:

— Кўриб турганингиздек, ўзим ишлайман. Хиёбонда лаззатли ширинликлар, яхна шарбатлар сотаман. Ота-онамдан деярли пул сўрамайман. Дам ҳам олаяпман, ишляпман ҳам. Кунда топган пулларимни эса ойм йиғиб, ўзимга яхши кўртка олиб бермоқчилар.



Наргиза ЗУФАРОВА, 9 ёш:

— Кўп пул керак бўлади. Шунинг учун ҳам шу ерга келиб чўмилиб ўйнаб кетаман. Бу ерда пул сўрашмайди. Акам новвойга шогирд тушган, пуллари кўп. Менга музқаймоқ олиб беради. Ана шунақа!



БУ КИТОБНИ ЎҚИДИНГИЗМИ?

ҲАЁТ — ЭРТАК...

Кўпчилик болалар эртакларнинг ҳаммасини қадим аждодларимиз тўқиган, улардаги воқеалар эса узоқ замонларда бўлиб ўтган, деб ўйлашади. Шунинг эса тутмоқ зарурки, ҳар бир замоннинг ўз эртаклари, ўз эртақ тўқувчилари бўлади. Севимли ҳажвчи ёзувчи Насимат Аминовни яхши биласиз. У киши сиз-азиз болажонларга яқинда янги эртаклар китобини ёзди. Бу китоб "Чўлпон" нашриётида "Чол боланинг эртаклари" номи билан босилиб ҳам чиқди.

"Ким экан бу — Чолбола? — деб сўрашингиз мумкин. Қўрқманг Чолбола ҳасса таянган болаларингизга сира ўхшамайди. У — сизнинг тенгдошингиз. Агар китобни ўқисангиз, Умиджон номли тенгдошингиз қандай қилиб Чолбола бўлиб қолганини билиб olasiz.

Чолбола ҳам эртакларини "Қадим замонда" деб бошлайди. Аммо китобни ўқисангиз, воқеалар танишдек, худди кечагина бўлиб ўтгандек туюлаверади. Масалан, "Зилзила" деган эртагида ниҳоятда ордену медалларга ўч қирол билан учрашасиз. Яъни қирол орден ва медалларни тақиб учун махсус узун китель тиктириб, уни кийиб суратга тушибди. Эртақни ўқиб-ёштиб турган катта ёшдаги ака-опаларингиз "бу суратни биз ҳам кўрганмиз" дейишса, уларни ёлғончиға чиқариб ўтирманг, ҳаёт билан эртақ доимо ўхшаш бўлади.

"Беафодор вафодор" номли эртақни ўқисангиз янада гаройиб воқеага дуч келасиз. Бир ит подшога ростакмига хушомад қилишни, унинг дўстларини мақтаб, душманларини жазолашни билар экан.

ЧОЛ БОЛАНИНГ ЭРТАКЛАРИ



Охири ит подшонинг ўзини ҳам қошиб, Янги подшо итни ўлдирмоқчи бўлганида, у ялтоқланиб-ялиниб "Мени ўлдирманг — мўъжиза кўрсатаман" дебди. Унинг кўрсатган "мўъжизаси" шундан иборат эканки, ит собиқ хўжайинини гўрдан чиқариб олиб, "Бизларни йўлдан урган шу бўлади, ҳаммасига ҳам шу аблаҳ айбдор", деб эълон қилибди.

Мен бу мазкур эртақни ўқиган ака-уканинг баҳслашиб туришгани устидан чиқиб қолдим. Укаси "бўлмаган гап, гўрдан ҳам ўлган одамни олиб чиқишадими", деса акиси: "сен билмайсан, фақат эртақда эмас, ҳаётда ҳам "вафодор ит" мижоз одамларнинг қабрлари очилганини биламан" деб хўрсиниб қўйди.

Хуллас, "Чолбола" эртаклари фикрий қамрови кенглиги, кўпроқ инсоний муносабатлардаги яхши-ёмон нарсалар таҳлил қилинганлиги билан ажралиб туради. Ёзувчи одам ёшлигиданок ростгўй, меҳнатсевар, камтар, ҳалол ва адолатли бўлишини — ана шундай улуг инсоний қадриятлар умр мазмунини, ҳаёт беағи бўлишини яна бир марта эртақомуз эртаклар орқали қўлогимизга қўяди.

Жалолиддин САҒО.

МУҲАРРИРИЯТ: Болалар! Хабарингиз бор, яқинда атоқли ёзувчимиз Насимат Аминов "Ўзбекистон халқ ёзувчиси" деган фахрий унвон билан тақдирланди. Серкулгў адибимизни бу юксак унвон билан чин юракдан қўлаб, тўрт мучалари соғ бўлиши қаторида яна кўплаб ичакузди ҳангомалар, ўткир тигли ҳажвиялар яратишларида омад тилаб қоламиз.

У ҲЎП ЯХШИ ОДАМ ЭДИ

Хов анов офтобига қирни ошсанг, яна бир қир келади, уни ошсанг, яна бири келади... Ва ниҳоят, она қишлоқ — Парда Турсун яшаган қишлоқ.

Бизнинг навбатдаги "Ижодкор юртига саёҳат" деб номланган танишишимиз худди шундай бошланди. Бу саёҳатга адабиёт муаллими Хикоят опа Аббасова раҳбарлик қилди. Шу нарсани алоҳида мамнуният билан таъкидлаб ўтаемизки, бизга "қайишиб" автобус ажратган "Ўзбеккравля" корхонаси раҳбарларига ўз раҳматимизни айтаемиз.

Манзилга боргунча қанча қишлоқлардан ўтдик, яйловда қўй боқаётган чўпонларни, адирларни, деворли, деворсиз уйларни кўрдик ва одамлари билан учрашдик.

— Парда Турсун Ҳўп яхши одам эди, — деб эслайди ёзувчининг дўсти, саксон бир ёшли Жонибой ота Жумаев. — Ҳўв анов яйловларда бирга мол боққанмиз, анҳорларда ким ўзарга бас бойлашганмиз. Болалик, умр экан. Худди шу болаликка бағишлаб дўстим "Яйловда" деган бир ҳикоя ҳам ёзганди. Ўзи ўқиб берувди, бир-бир ёшликни эслагандик.

Ёзувчининг бир ўғил ва бир қизи бўлиб, қизи (Ноила Нумамедова) Тошкентдаги маданият олийгоҳида ишлар экан. Биз шундан сўнг қишлоқдаги Имон ота қабрини зиёрат қилиб, ёзувчи номидаги 22-мактабга ташриф буюрдик. Бу мактаб ўқувчилари билан танишдик ва ўзимизнинг тайёрлаб келган концерт дастуриимизни намойиш этдик.

Саёҳат кўнгилдагидек ўтди, озми-кўпми кўзланган мақсадга эришилди. Бироқ... бир нарсадан жуда хафа бўлдик, яъни ёзувчи униб-ўсган қишлоқда на бир хотира, на бир музей, на ўзи яшаган уйдан нишона бор.

Истардикки, ёзувчи яшаган қишлоқда уй-музейи очилса, шунда биз каби унинг минглаб "қалдирғоч"лари ёзувчи ҳаёт ва ижод йўлига теранроқ тушуниб етардик.

Сабоҳат КАРИМОВА,

Гулноза САЛОҲИДИНОВА,

Наманган вилояти, Поп туманидаги 7-мактабнинг 5-«А» синф ўқувчилари.

КИТ МЎЙЛОВИ

Китлар учун уларнинг мўйлови жуда ҳам зарур. Пишиқ-пухта бу пластинкалар орқали китлар денгиз сувини "сузиб" озиқ топади. Қадимда кит мўйловларидан аёллар учун ички кийимлар тайёрланган. Канада ва Аляска эскимослари ҳозирги кунга қадар ҳам бу эластик пластинкалардан нозик коробка ва саватлар ясаб келадилар. Кит мўйловидан ясалган кутичани ҳақиқий санъат мўъжизаси, деса бўлади.


ИККИ ЭКРАНЛИ

ТЕЛЕВИЗОР

Япониядаги "хитац" фирмасида жаҳонда биринчи марта икки экранли телевизор ишлаб чиқарилди. Бу экранларнинг бири одатдагидек телекўрсатувларни намойиш қилади, иккинчиси эса томошабин ўзини қизиқтирган кўрсатув кадрини "муҳрлаб", кейин исталган пайтда қайтадан кўра олади.



Она билан бола — гул билан лола



Оиламизнинг севинчи, бахти, айниқса, бува ва бу-висининг эрқатой-овунчоғи ЖАВОҲИРЖОН 1 ёшга тўлди. Ана шундай қутлуг айёмда оиламиз аъзолари кичкинтойимизга боқий умр, сиҳат-саломатлик, етуклик тилайдилар. Доим чехрангдан табассум аримасин омад сенга ёр бўлсин, болажон, деб: БУВАСИ, БУВИСИ, онаси ГҮЛЧЕҲРА ва дадаси БАҲОДИР.

Тошкент шаҳри.

Азиз ўғлимиз ХУСАНЖОН ва суюкли қизимиз ЗУҲРАОЙ! Бу сўлим 12 ёшга тўлишларинг ҳамда мучал байрамингиз билан чин қалбдан табриқлаймиз. Икковларингизга узоқ умр, соғлиқ ва саломатлик тилаб: катта онанг ОЙХУМОР, ойинг БАҲОРОЙ, даданг — БОЗОРБОЙ, укаларинг ЖАМОЛИДДИН, КАМОЛИДДИН ва жасажси синглинг МУҲАЙЁ. Жиззах вилояти, Зарбдор тумани, Х. Олимжон кўчаси. 3-уй, 7-хона.



Умримиз баҳори ЖАҲОНГИРЖОН!

12 ёшинг ҳам мучал байраминг муборак бўлсин. Чинор умридек умр, ҳаётинг булоқ сувидек тиниқ, соғлигинг мустаҳкам бўлсин. Ўқишларинг доимо аъло бўлсин. Халқимизнинг асл фарзанди бўл.

ДАДАЖОНИНГ, ОЙИЖОНИНГ, ЖАСУР ВА ЖАВЛОН.

Тошкент вилояти, Тошкент тумани, Келес шаҳри.



Табриклаймиз!

Бобир ҚОЗОҚБОВ, 11 ёш:

— 100 сўм керак бўлади. Уйдагилар бунчалик кўп бўлмаса ҳам, ҳар қалай бериб туришади. Беришмаса, ранжиб кетавераман. Ишлаётган ўртоқларимга хавасим келади. Ишлаб пул толай дейману ҳеч бир ишнинг уддасидан чиқолмайдиганга ўхшайман.



Дилноза ЙЎЛДОШЕВА, 12 ёш:

— Дадам бор, нима ғамим бор. Айлангирингизга ўзлари олиб берадилар, ҳамма нарсалар олиб берадилар. Шунинг учун бўлса керак улардан пул сўраш ўрнига, ўзлари берган пулларидадан ортганини ўзларига қайтараман. Ўзим пул топишга ҳали ёшлик қиламан.

Жаҳонгир МАҒРУПОВ, 12 ёш:

— Хиёбонларга тез-тез бориб тураман. Ота-онамдан "менга шунча пул беринг" деб сўрамайман. Берганларини олиб кетавераман. Беришмаса, ранжисам керак! Лекин ҳозирча "йўқ" дейишмаган. Дадам новвойлик қиладилар, мен эса доимо уларга ердамчи. Балки шунинг учун ҳам "йўқ" дейишмас.



Ботир АЗИЗОВ, 13 ёш:

— Мен наққошликка қизиқаман. Санъатнинг бу тури билан шугулланиш учун зарур бўлган бўёқлар жуда қimmat туради. Жамоа хўжалигида ишлайдиган дадамга ердамлашаман ҳам. Шунинг учун бўёқлар учун пулни тортинмай сўрайвераман.

Феруза

ЖАЛИЛОВА

суҳбатлашди.

Р. АЛБЕКОВ суратга туширди.

МУҲАРРИРИЯТДАН:

Кўриб турибсиз, "Алдагани бола яхши" деб ҳозирги кунда уларни авраб бўлмайди. Суҳбатлашиб кўринг-а: сўзлари маъноли, салмоқдор, фикрлари теран. Ўзлари уddaбурон, тежамкор. Чунки, меҳнат қилиб, пул топишяпти-да! Улардаги дадилликни, ишбилармонликни, топқирликни кўриб, шодланасан киши.

Ишқилиб, охири бахайр бўлсин-да!



Файз ТОЛИБ

Мухтор мактабдан келдию кийимларини ҳам ечмай, ўзини таппа кароватга ташлади. Кечгача чўзилиб ётди. Унинг ўрнидан ҳеч тургиси келмас, ҳамма нарсадан ҳафсаласи пир бўлган, уйнинг шифтига тикилганича ҳаёл сурарди.

Саодат хола хонага кирдию, чехраси тунд, қовоқлари осилган, сочлари тўзгиган ўглини кўриб ҳайрон бўлди. Мухторнинг авзойидан нимадандир тажонлигини билиш қийин эмасди.

— Айланай, тойчоғим, вой, бу ётишинг нимаси?

Мухтор оғиз очмади.

Саодат хола ўглининг ёнига ўтириб, кўлини унинг пешонасига қўйди.

— Ишқилиб, ўт-бўтинг огримаяптими? Тура қол, овқатингни е, дарсингни қил...

Саодат хола гапира-гапира чиқиб кетди. Мухторнинг ҳамон чиройи очилмас, дили хуфтон эди. У ўйлар, ўйлаган сари асабийлашарди. "Э, ўқишни ўша Бахтиёрга бердим", — дерди у. Ахир алам қилмайдими? Болаларнинг ичида энг билимдон, энг аълочи бўлсаму, мени синф бошлиғи қилиб сайлашмасе? Биладан, ўртоқларим мени сира кўришолмайди, нукул хасад қилишади, ичлари қора Бахтиёрни сайлашди-я? Бахтиёр ким ўзи? Ой чиқса ҳам унга, кун чиқса ҳам унга...

Мухторнинг ичини ит тирнарди. У Бахтиёрнинг қанақалигини ҳеч тушуна олмасди. Очқ юз, хушмуомала, кўзлари шўх қулиб турадиган бу бола ҳеч тиниб-тинчимайди. Жуда камгап-ей. Ўн ўйлаб, бир сўйлайди. Қўлининг очқлигини айтмайсизми, биров ручками, дафтарми сўраса, сира йўқ демайди, бериб юбраверади, кейин ўзига керак бўлганда қидириб юради. "Ғалати бола", — ўйлайди Мухтор.

Мухтор ўзининг синф бошлиғи бўлишига қаттиқ ишонар, ишни нимадан бошлашни, ким билан қандай муомала қилиш, кимга қандай амру фармонлар беришни ўзича режалаштириб қўйганди. У синф бошлиғи бўлиб ном чиқазгиси, ўзини кўрсатиб оғизга тушгиси, донг таратгиси келарди. Ахир шон-шухрат кимларнинг фикрини банд этмаган?

Кутилмаганда ишнинг чаппа айланиб кетиши уни тамом довдиратиб қўйди, нима қилишини, қаёққа бош уришини, кимдан аламини олишни билмасди.

Мухтор бетоқат бўлиб, ўрнидан сакраб турди, асабийлашиб, уй ичида у еқдан бу еққа юра бошлади.

... Мухтор эрталаб қаддини ғоз тутиб мактабга кетаётган эди, йўлда Бахтиёрни учратиб қолди. Мухтор у билан қўл учиди кўришди-да, гап бошлади.

— Кеча уйга берилган масала жуда қийин экан-а, Бахтиёр?

— Қийин экан, — деди алланималарни ўйлаб ҳаёл суриб келаётган Бахтиёр.

Мухтор одатдагидай дарров мактанишга ўтди.

— Синф бўйича масалани фақат мен ечган бўлсам керак! Мухторнинг ўзига ишончи ниҳоятда зўр, сўзлари дадил-дадил, овози кўнгиروقдай жаранглар эди.

Унинг манмансиргани Бахтиёрни

гашини келтирди. У Мухтор билан гап талашиб обрў тополмаслигини яхши билса-да, лекин жим тура олмади.

— Нега унақа дейсан, оғайни, доим мен мендан нарига ўтмайсан. Бошқалар ҳам ечишгандир?

Мухторга бу гап ёқмади, пешонаси тиришди, ҳамроҳига ёвқараш қилди. Қўлини пахса қилиб кўзини чакчайтириб, жағи-жағига тегмай жаврай кетди.

— Ечиб бўпти, масала ечиш — писта чақиш деган гап эмас. Тоққа чиқмасанг дўлана қайда? — дейдилар.

У ўзини болаларга билимдон, зукко кўрсатиш мақсадида сўзларни оҳангжамадор қилиб, гапида ҳикматли ибораларни қалаштириб ташларди. (Унинг маталлар тўла қалин дафтари бор эди).

— Синфдаги болаларнинг биронтасининг калласи ишламайди, қовоқ? Ҳа, мени айтди, деявер. Илм олиш — игна билан қудуқ қазиш, дейдилар. Илм-ақл булоғи, ақл-яшаш чироғи. Зехн қўйсанг билимга, нур ёғилар дилингга! Э, бу гапларни улар билармиди? Қизларни-ку, онаси фақат гапга туққан.

Шунақа, Мухтор макка еган хўроздай босар-тусарини билмай вақиллаб-шақиллайверди. Бировга на сўзини, на

Мухтор ўлганининг кунидан ўзини унга яқин тутишга ҳаракат қилар, лекин бир-бирларининг гап-сўзлари ҳеч келишмас, бири богдан келса, бири тогдан келарди. Улар гарчи ёнма-ён юришса ҳам ораларида гўё кўринмас девор борга ўхшарди.

Мана, икки ўртоқ синфга кириб, қизгин баҳс устидан чиқиб қолишди.

— Улуг шоир бобомиз Алишер Навоий Шарқда биринчи бўлиб "Хамса" ёзганлар, — дерди Мирқодир оғзини тўлдириб.

— Э, бекорларнинг юзтасини айтибсан, оғайни, — дерди Тошпўлат. "Хамса"ни биринчи бўлиб Хисрав Деҳлавий ёзган.

Уларнинг гапларини тингларкан бирдан Мухторга жон кирди. — Ҳой, мишиқилар, сенларга баҳслашишни ким қўйибди? — деди масхарали оҳангда. — Икковингнинг ҳам гапинг нотўғри!

Болалар Мухторга қарашади.

Бўлар-бўлмасга вақирлаб, доим билимдонлигини кўрсатишга ҳаракат қиладиган Мухтор ховлиқиб қолди.

— Билмасанглар, билиб қўйинглар, "Хамса"ни биринчи бўлиб Низомий Ганжавий ёзган.

— Форс тилида, — гап қўшди Мирқодир.

— Ҳой, сен ўзи қанақа боласан, нега аълочининг гапини бўласан? Донолар

унинг доимий ҳунари эди. Мухтор икки гапнинг бирида ўзи ўқиган китобларни пеш қилар, ҳеч кимга гап бермас, ҳамманинг миясини қоқиб қўлига берарди. Китобларни ўз билимини ошириш учун эмас, мактаниш учун ўқиганга ўхшаб кўринарди.

У қанча оғиз кўпиртириб гапирмасин, кўнгли учун ҳеч ким: "Э, калангга қойил-ей!" деб мактамади. Агар уйда бўлганда борми, дарров ойиси: "Вой, билагон ўғлимдан ўзим айланиб кетай! Болажонимнинг хўп ақли бор-да! Мактабда ҳам биринчи ўқувчи сен бўлсанг керак. Топқирлигинг билан ҳамманинг оғзини очиб қўйсанг керак-а? Ишқилиб, кўз тегмасин, илоё ўғлимга", — дерди. — Ўзимнинг аълочилигим, мактабни битирса, албатта "битта медаль" олади.

Дадаси ҳам қўшимча қилиб қўяди:

— Келажакда ўғлимиздан катта одам чиқади, бунга ишончим қомил.

— Вой, ҳали ҳам ётибсанми, тойчоғим?

Хаёл дарёсига бутунлай гарқ бўлган Мухтор ойисининг овозидан чўчиб тушди.

— Тура қол, ўғлим, сенга нима бўлди ўзи? Овқатинг ҳам совиб қолди...

Саодат хола чиқиб кетгач, Мухтор хаёлларини тиклашга уринди.

Сўнгги дарс эди... Синфга Усмон ака ва вожатий Ҳилола опалар кириб келишди.

Ислом ака синф раҳбари. У ҳаммага бир-бир қараб олгач:

— Болалар, мана ўқиш бошланганига ҳам анча бўлди, — деди. — Ҳалигача синф бошлиғини сайлаганимиз йўқ... Ҳўш, кимни сайлаймиз?

Синф сув қуйгандай жимиб қолди. Фақат Мухторнинг юраги дуқиллаб, пук-пук ура бошлади.

Мана, ҳозир исминини айтишади, чунки, синфда мендан бошқа аълочи йўқ! Нега болалар жим, нега ҳеч кимдан садо чиқмаяпти?

Шу пайт Назар ўрнидан турди.

— Бахтиёр синф бошлиғи бўлсин, — деса бўладими?

Ҳамма келишиб олгандек Бахтиёрни мактаб бошлади.

— Бахтиёр — аълочи!

— Бахтиёр ҳар ишда фаол, ташкилотчи!

Шундоқ енида ўтирадиган Содикни нима жин урди.

— Бахтиёр одобли, хушмуомала, яхши хулқи билан ҳаммани эътиборини қозонган дедим-ей...

Хуллас, Мухтор "Ғалати бола" деб юрган Бахтиёр синф бошлиғи қилиб сайланди.

Мухторнинг бирдан ранги ўчиб, қовоқ-тумшуги осилиб тушди, кўзлари совуқ чакчайди. У худди танкид этишган одамдай қип-қизариб, бир замбил лой бўлиб қолди. Болалар унга сирли-сирли қарашар, гўё: "Энди қалайсан синф бошлиғи бўлман, деб нақ ўпкангни қўлтиқлаб қолдинг-ку? Ҳа, бузоқнинг югургани сомонхонагача..." дегандай масхаралаб кулишарди.

Кейин нима бўлди. Мухтор ҳеч эслаб олмади. У шартта ўрнидан туриб синфдан чиқиб кетдими ёки йигининг охиригача ўтирдими?

Уйга қай аҳволда келгани ҳам эсида йўқ.

Қизик... Бахтиёр нега болаларнинг оғзидан тушмайди! Нега ҳамма уни ҳурмат қилади? Нимасини ёқтиришаркан? Тўғри, у аълочи... Мен ҳам аълочиман-ку? Ундан нима кам, у шохда юрса мен баргида юраман... Баҳоларим ҳаммаси "беш". Бахтиёрнинг эса "тўрт"и ҳам бор. Мен гап бошлаганимда ҳаммани оғзимга қаратиб қўяман. Бутун синф бошлиғи бўлса, менчалик бўлади-да!

Мухтор юракдаги дардини кимга айтади? У ўйлар, жавобсиз қолган сўроқлари ҳамон уни қийнар, олим бўлиш мумкин, одам бўлиш осон эмаслигини тушунамас, юрагида Бахтиёрга нисбатан ғайирлик тўғуси жўш уради.

Айвонда яна Саодат холанинг овози эшитилди. Мухтор оғир кўзғалиб ўрнидан турди.



ҲИКОЯ

ўрнини беради.

Бахтиёр эса камгап, оғиркарвон, сермушоҳида... Ўн ўйлаб бир гапирарди. Бировларга озор беришдан, дилларини огритиб қўйишдан чўчиди.

— Оғайни, кўпчилик тўғрисида бунақа дейиш яхши эмас, — дейди Бахтиёр норози оҳангда.

Мухтор унинг сўзини бошқача тушунади. "Бахтиёр гапларини ўзига олибди. Мени ерга ураётти, бошқаларга тенг кўраётти", деб ўйлаб хафа бўлибди-да, хаёлидан ўтказди Мухтор.

— Албатта, сенга гап йўқ. Сен доносан, дурдан аълосан. Мен бошқаларни назарда тутаяпман, оғайни. Доно билан юрсанг, доно бўласан, аҳмоқ билан юрсанг расво бўласан. Сен билан юриб ёмон бўлаяпманми? — истехзоли қудди у.

Мухтор синфдаги ҳамма болаларни оёқ учиди кўрар, фақат Бахтиёрдан бир оз чўчирди. У бирор нарсадан газабланиб жаҳл отига минган пайтларда Бахтиёрни ҳам жеркиб берай, яхшиси у билан гаплашмай қўя қолай, дейдию, яна шаштидан қайтади.

Бахтиёрнинг аччиқ-чучук гаплари, таъна-дашномлари, доим шохига уриб туриши сираям ёқмайди. "Катта бўлсанг, сендан гирт бюрократ раҳбар чиқади" дейди Бахтиёр тик юзига... На чора, чидайди, муросан-мадора... Нима қилсам Бахтиёр аълочи, синфда ҳурмати бор...

гапирганда тик тур! — Мухтор уни жеркиб ташлади. — "Хамса"ни биринчи бўлиб Низомий Ганжавий ёзган, — деди у гапини такрорлаб. Шеърининг дур-қонини қазган. Алишер Навоий эса бешинчи бўлиб туркий "Хамса" яратган.

Осонмас бу майдон ичра турмоқ.

Низомий панжасига панжа урмоқ.

Ҳамма оғзига қараб турган мана шундай чоғларда Мухтор ҳозирланиб, яйраб кетар, ҳеч кимни менсимас, сайрагани-сайраган эди.

— "Хамса" беш китобдан иборат. Навоий бобомизнинг шоҳ асарлари ҳисобланади. "Навоий — шеър мулкининг султони, қалам-ла забт этмиш жаҳонни..."

Мухторнинг бурни танқайиб болаларга голибона назар ташлади.

— Биз ўз тарихимизни билмаймиз, бобо шоирларимизнинг асарларини ўқимаймиз. Илмсизлар бир яшар, илмлилар минг яшар, — деганлар...

Мухтор бир амаллаб "уч" олиб, итнинг кейинги оёғи бўлиб судралиб юрадиган Одилдан сўраб қолди.

— Сен Ойбекнинг "Навоий гулшани"ни ўқиганмисан?

Одил бечора бу китобни умрида эшитмаган экан, кўзларини пирпиратиб, елкасини қисиб, оғзига толқон солган одамдай индамай тураверди.

Болаларнинг оғиз томонларини топиб, мот қилиб, шунақа оғиз очирмай қўйиш —

Бош муҳаррир: Ақром БЕРДИМУРОДОВ

Таҳрир ҳайъати:

В. ФАЙЗУЛЛАЕВ, Т. ЭШБОЕВ,

А. КУЧИМОВ, М. РАҲИМБЕРДИЕВА,

Т. КАРИМОВ, М. ПИРМАТОВ (масъул котиб).

Газетанинг навбатдаги сони 8 июль кuni чиқади.

Табсис этувчи:

УЗБЕКИСТОН ЕШЛАР ИТТИФОҚИ
МАРКАЗИЙ ҚУМИТАСИ

Бизнинг манзилгоҳимиз:
ТОШКЕНТ ШАҲРИ. 700083,
ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Газета ҳафтанинг чоршанба
ва шанба кунлари чиқади.

Газета 347000 нусхада чоп этилди.

Маълумот учун телефон: 32-54-21

Узбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-
матбаачилик концернининг босмаҳонаси.

Тошкент шаҳри. 700083, Ленинград кўчаси, 32-уй
Чоп этиш вақти — 18.00.

Буюртма № Г-27. Нашр кўрсаткичи 64563.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10

Рег. 33-44-20